

## Конор Макгрегор мусулмонларни Рамазон ойи билан табриклади



12:30 / 04.04.2022 3229

Якка кураш бўйича дунёга машҳур бўлган ирландиялик жангчи Конор Макгрегор мусулмонларни Рамазон ойи билан табриклади. Бу ҳақда [islam.ru](http://islam.ru) манбаси хабар берди.

«Дунёдаги барча мусулмон дўстларимга Рамазон ойи муборак бўлсин! Абу Даби ва Дубай сеҳрли, оилам ва машғулотларим, гастрол сафарлари, бу ерда ўтказган вақтимизни қадрлаймиз! Одамлар, жойлар ва турмуш тарзи ҳақиқатан ҳам ўзгача», деб ёзади ирландиялик жангчи ўзининг ижтимоий саҳифасида.